

ЎЗБЕКИСТОНДА ИМПОРТ ТОВАРЛАРИ УЧУН ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ФИСКАЛ ОҚИБАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Бекназарова Мадина Қахрамон қизи
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси магистранти

Анотация: Мақолада маҳаллий ва хорижий олимларнинг мавзуга доир тадқиқот ишлари ҳамда “қўшилган қиймат солиғи, унинг республикамиз ва хорижий мамлакатлар солиқ тизимидаги ўрни, солиқ имтиёзларидан фойланиш ҳолати ва зарурияти асосланган. Мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғи орқали давлат бюджети даромадларини оширишга доир хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: солиқ, қиймат, билвосита солиқлар, қўшилган қиймат солиғи, солиқ имтиёзи, фойдаланилмаган маблағлар, бюджет, ҳисобот даври.

1. Кириш.

Ҳозирги кунда иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги солиқ концепцияси сиёсати доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва унинг диққат марказида, “рақамли иқтисодиётга асосланган электрон ҳисоб-китоб тизимини йўлга қўйиш”, “эркин рақобатга асосланган тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиш”, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш “давлат фискал мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини яратиш масаласининг аҳамияти ўсганлиги боис бу соҳадаги тадқиқотларни янада кучайтириш зарурияти юзага келди.

2. Адабиётлар таҳлили.

Қ.Яҳёев солиқлар ҳақида тўхталиб: «Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар тўғри ва эгри солиқларга бўлинади. Тўғри солиқларни тўғридан тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқларнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри солиқ юқини бошқаларга ортиш ҳолати бўлмайди. Бу солиқларга ҳамма даромаддан тўланадиган ва барча мулк солиқлари киради. Эгри солиқларнинг ҳуқуқий тўловчилари маҳсулотни ортувчилар, иш, хизматларни бажарувчилар ҳамда хизмат кўрсатувчилардир. Лекин солиқ юқининг ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат)ни истеъмол

қилувчилар, яъни ҳақиқий солиқ тўловчилар бу ерда яширинган. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига устама равишда қўйилади. Эгри солиқлар таркибига ҚҚС, акциз солиғи, божхона божи, ер остидан фойдаланиш солиқлари киради»[1].

Б.Тошмуродова «солиқ юки ва унинг тақсимланишга таъсири жиҳатидан солиқларни тўрт гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин, деб ҳисоблайди ва уларни қуйидагича гуруҳлайди:

- билвосита солиқлар: ҚҚС, акциз ва божхона божлари;
- даромад (фойда) солиғи;
- корхона ихтиёрида қоладиган соф фойдадан тўланадиган солиқлар;
- давр ҳаражатлари таркибига киритиладиган солиқлар ва мажбурий ажратмалар»[2].

Эгри солиғ эволюцияси, келиб чиқиши тарихи ҳам жуда қизиқ. Бир пайтлар темир йўллар ҳозиргидек кенг тарқалмаган пайтларда темир йўл чипталаридан қўшилган қиймат солиғи ундирилар эди, кейинчалик чипталар учун ҳаммада сотиб олиш қобилияти ҳосил бўлгач, у бекор қилинди. Амалдаги бензин ва дизел ёқилғиси учун қўшилган қиймат солиғи солиғи, аксинча, қимматлашмоқда ва бу маҳсулотларга билвосита солиқларнинг пасайиш тенденцияси ҳақида ҳеч қандай ишора ҳам йўқ. Шундай қилиб, «қўшилган қиймат солиғиларни билвосита солиққа тортишнинг энг қадимги шакли деб ҳисоблаш мумкин. Қадим замонларда туз ва бошқа баъзи истеъмол товарларига қўшилган қиймат солиғи мавжуд эди[3].

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тадбиркорликни ва соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва рағбатлантириш ҳамда ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга йўналтирилган солиққа тортиш ва божхона-тариф тизимини тартибга солиш самарали тизимини шакллантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.


Республикаимизда амал қилаётган солиқлар ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб учдан бир қисмини тақсимлаб, бюджетга жалб этади ва у орқали давлатнинг ижтимоий зарурий ҳаражатларини молиялаштиришга йўналтирилади. Сўнги йилларда тўғри солиқларнинг салмоғи ялпи ички маҳсулотда бироз камайиб, эгри солиқлар салмоғи ошган. Бу ҳолда тўғри тенденция мавжуддир, чунки эгри солиқлар тўғридан-тўғри корхонанинг инвестицион фаолиятини сусайишига олиб келмайди.

Солиқ концепцияси ва унда белгилаб берилган йўналишлар тизимли равишда ўзининг ижобий натижасини бераётганидан далолат беради. Зеро, ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган солиқ ислохотларини бош

мақсади яширин иқтисодиётни йўқотиш орқали ишончга асосланган ўзаро ҳамкорлик механизмини шакллантиришданиборатди.

Электрон ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланган хўжалик юритувчи субъектлар сони 9,2 минг тани ташкил қилди. Шундан 2,5 мингта хўжалик юритувчи субъектлар қўшилган қиймат солиғидан тўловчилари ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғидан ўтган 35 мингта қўшилган қиймат солиғи тўловчиларнинг ҳар бир операцияларини ҳисоб-фактуралар реестри орқали кўриш имкони яратилди.



1-расм. 2021-2023 йилларда давлат бюджети даромадлари, млрд.сўм¹

Нафақат корхоналарнинг реализация ҳажмини балки, уларга товар етказиб берувчиларнинг ҳам ҳақиқий товар айланмасини аниқлаш имконияти яратилди.

Ушбу имконият орқали республика бўйича жами 4550 та корхоналарнинг 593,1 млрд.сўмлик товар айланмалари яширилганлиги, шундан 123,2 млрд.сўмлик қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмасдан қолганлигини аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб куплаб янгиликлар амалиётга жорий этилиши таъкидлаб утилди:

Янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб куплаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тулаш муддатини узайтириш ёки булиб-булиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси <https://soliq.uz/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

тулашга рўхсат бериш буйича енгиллаштирилган механизмлар киритилди. Солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ туловчилар пухта узлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда уқитиш зарур»[1].

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётини етакчи соҳа ва тармоқларининг замон билан ҳамнафас фаолият юритишига барча зарур шароит яратиб берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг юл очиб берилаётгани, илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда солиқ тизимини ҳаётимизга изчиллик билан жорий этилаётгани эришилаётган самарали ютуқларимизнинг мустақкам пойдеворини ташкил этмоқда. Солиқ соҳасида амалга оширилаётган кенг камровли ислохотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суъратлар билан ривожланиб ишбилармонлик муҳитини янада яхшиланишига замин яратмоқда.



2-расм. 2023 йил давлат бюджети даромадларининг таркиби, млрд сўм²

Давлат бюджета даромадлари таркибига сунгги уч йилдаги солиқ сиёсати чораларининг узгартирилиши, илгари берилган солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши, иқтисодиёт секторларида олиб борилаётган ислохотлар ҳисобига солиқ базасининг кенгайтирилиши, шунингдек хом ашё товарлари нархларининг динамикаси таъсир кўрсатди.


Солиқ тушумлари таркибининг ўзгариши солиқларнинг айрим турлари буйича солиқ туловчилар сонининг купайиши билан ҳам боғлиқ. 2021 йилда билвосита солиқлар буйича тушумлар утган йил билан солиштирганда 9,9 трлн, сумга 21,2% ошиб, 56,3 трлн, сумни ташкил этди.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси <https://soliq.uz/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

2023 йилда солиқ ва божхона органлари томонидан маъмурлаштириладиган қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар 52,8 трлн, сумми ташкил этди (қоплаш суммаларини ҳисобга олмаганда) ёки 2020 йил билан солиштирганда 12,6 трлн, сумма ошди.

Солиқ хавфи таҳлили солиқ органларида мавжуд бўлган ахборотдан хавфнинг юзага келиши ҳолатлари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни идентификациялаш ва солиқ тугрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилмаслигининг эҳтимол тутилган оқибатларини баҳолаш мақсадида мунтазам равишда фойдаланишдир.


Билвосита солиқларнинг асосий тушумлари (72,1 %) ҚҚС ҳисобидан таъминланади ҳамда тушумлар 63 775 млрд сўм миқдоридан прогноз қилинди, ёки 2022 йил тушуми билан солиштирганда 24,2 %га ортиқ.



3- расм. 2023 йилда ҚҚС бўйича солиқ тўловлари таркиби (фоизда)³

Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ тўловлари таркибидан кўришимиз мумкинки импорт товарлари учун қўлланиладиган қўшилган қиймат солиғи Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар учун қўшилган қиймат солиғига нисбатан кўпроқ улусга эга. Ўзбекистон Республикаси фискал балансига кўра давлат бюджети даромадлари давлат бюджети харажатларига нисбатан юқори, шундай вазиятда импорт товарлари учун қўшилган қиймат солиғи ставкаларини туширилиши фискал балансимиз учун дефицит ҳажмининг оширишига сабаб бўлиши мумкин. Бошқа томондан олиб қаралганда импорт товарларига ҚҚС ставкаларининг пасайиши мамлакатга кириб келадиган импорт товарлари ҳажмининг оширишига сабаб бўлиши мумкин. Қуйида мамлакат ташқи савдо баланси таҳлиллари келтирилади. (4-расм)

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси <https://soliq.uz/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди



**4-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо баланси
(млн. АКШ. Долл.)⁴**

Таҳлиллардан кўриниб турибтики Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо айланмаси ушунда давом этади, 2023 йилда прогноз 58,6 млрд. АКШ долларини ташкил этади ёки 2022 йилда кутилаётганидан 17,1 фоизга ортиқдир. Бирок, малакатда экспорт билан биргаликда импорт ҳажми ҳам ошишда давом этмоқда. Ҳусуан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тақдим қилинган прогнозларга кўра 2025 йилда ҳам Ўзбекистонда ташқи савдо балансида импорт улуши экспортга нисбатан юқориликча сақланиб қолади. Ўз навбатида импорт улушининг юқорилиги мамлакат миллий валютасининг хорижий валютага нисбатан қадрсизланишига сабаб бўлиши мумкин.

4. Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки импорт товарлари учун қўлланиладиган қўшилган қиймат солиғи ставкасини пасайтириш фискал нуқтаи назардан давлат бюджети тақчиллиги ортишига иқтисодий нуқтаи назардан валюта курси учун босим ортишига ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобат муҳити оғирлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Адабиётлар/Литература/Reference:

1. Yahyoyev Q. Soliqqa tortish nazariyasi va amaliyoti. – T.: G’afur G’ulom, 2008. - 32-33 b.
2. Toshmurodova B. Soliqlar vositasida iqtisodiyotni boshqarish mexanizmi. Monografiya – T.: Yangi asr avlodi, - 2009. - 56 b
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сон Қонуни, 2019 йил 30 декабрь, <https://lex.uz/docs/4674011>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси <https://soliq.uz/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

4. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси, янги таҳрири 2019 йил 30 декабрь, <https://lex.uz/docs/4674902>
5. OECD. (2016). Co-operative Tax Compliance: Building Better Tax Control Frameworks, OECD Publishing, Paris, <https://doi.org/10.1787/9789264253384-en>
6. Paying Taxes 2019. A unique report by PwC and the World Bank Group. <http://www.pwc.com/gx/en/paying-taxes/pdf/pwc-paying-taxes-2019.pdf>
7. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази
8. <http://www.norma.uz> – “Norma hamkor” масъуляти чекланган жамияти
9. <http://www.soliq.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
10. <http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
11. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси